

SECTION III INNOVATIONS IN THE ASSESSMENT AND ANALYSIS OF LANGUAGE SKILLS

ЎЗБЕК ТИЛИДА АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКА ИФОДАЛАНИШИ

Мирсанов Ғ.Қ.¹

Аннотация:

Ушбу диссертацияда ўзбек тилидаги "бормоқ" феъли мисолида аспектual семантика ифодаланиши таҳлил этилган. Асосий диққат феълнинг чегараланган ва чегараланмаган семантик хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг морфо-синтактик воситалар орқали қандай намоён бўлишига қаратилган. Таҳлил давомида "бормоқ" феълнинг турли контекстларда ТАВ (терминатив аспектual вазият), ПАВ (процессуал аспектual вазият) ва П+ТАВ каби аспектual ҳолатларни қандай ифодалаши мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Ҳаракатнинг тугалланганлиги, давомийлиги ёки бошланганлиги морфологик шакллар ва контекстуал конкретезаторлар таъсирида қандай ўзгариши тадқиқ этилган. Шунингдек, "бормоқ" феълнинг бошқа ҳаракат усулини билдирувчи феъллар ва кўмакчи феъллар билан бирикмада келиши орқали вужудга келадиган аспектual вазиятлар синтактик ва семантик жиҳатдан чуқур ўрганилган. Илмий ишлар, хусусан Ҳожиев, Гузев, Юлдашев ва Насиловнинг тадқиқотларига таянилган ҳолда, аспектualликнинг туркий тиллар грамматик тизимидаги ўрни янада равшанлаштирилган.

Калит сўзлар: аспектualлик, бормоқ феъли, терминативлик, процессуаллик, тус-замон шакллари, контекст конкретезатори, чегараланганлик, аналитик шакл, ўзбек тили, феъллар семантикаси.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига назар ташлаймиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бормоқ феълнинг олтита юриш-ҳаракат маъноси келтирилган: а) Сўзловчи ёки кузатувчининг турган жойидан, ёнидан узоқлашмоқ, нари кетмоқ, манзил тамон ҳаракат қилмоқ; б) бирор манзилга етмоқ; в) транспорт воситасида нари томон юрмоқ; г) бирор жойда бўлмоқ; д) бир йўналишда, нари томон ҳаракат қилмоқ, илгариламоқ; е) давом этмоқ, қатнамоқ. Кўриниб турибдики, келтирилган изоҳларда бормоқ феълнинг (а),(б),(в),(г),(е) пунктларида чегараланганлик семантикаси мавжуд, чунки бу ҳар бир маънода ҳаракатнинг бошланғич ёки якуний чегараси бор. Шунингдек (д) изоҳда чегараланмаганлик семантикасини кузатишимиз мумкин. Демак бормоқ феълда чегараланган ва чегараланмаган хусусиятлар мавжуд бўлиб, бу феълни лимитатив нейтрал акционал феъллари гуруҳига тегишли деб қарашимиз мумкин. Бормоқ феъли предикат вазифасида субъектнинг ўзи мавжуд бўлган пунктдан (йўналиш бошланувчи пунктдан), йўналиш қаратилган пунктга қараб бўладиган ҳаракатни билдиради /Ҳожиев, 1966: 67/. Умуман бормоқ феъли ўткан замон шаклида тугалланганлик маъносига эга бўлади. Масалан: (115) Капитан эшикка етганда тўхтади ва орқасига қайтди. Ровонга кўтарилиб кампирнинг ёнига борди (Ў.Умар, 325); (116) Ўша куннинг эртасига у Муниҳонни топди. Театрга боришди (Ў.Умар, 197). Келтирилган мисоллар ўтган замон шаклида бўлиб, субъект ҳаракатининг охириги манзилга етиб тугалланганлиги натижасида ТАВ ифодаланган. ТАВ шунингдек эргашган қўшма гапларда бир ҳаракатдан иккинчисига ўтган ҳолатларда, яъни ҳаракатнинг кетма-кетлиги ифодаланганда ҳам кузатилиши мумкин. Масалан: (117) Саратон офтоби аёвсиз қиздираётган, оёқ остида қум, бетон қоришмасининг кукунлари сочилиб ётган майдончадан ўтиб, каллакланган тол тагига бориб ўтирди (Ў.Умар, 48).

Таъкидланганидек, гапдаги қўшимча морфо-синтактик воситалар таъсирида аспектual ҳолатлар ҳам ўзгариб боради. "Бормоқ" феъли субъектнинг ҳаракат усулини билдирадиган равишлар билан келиб, якуний манзил мавжуд бўлганда П+ТАВ кузатилади. Масалан: (118) –Мен, –деди хира овоз –Мен... . Абдулла югуриб унинг олдига борди (Ў.Умар, 98); (119) Дадам бўғинларини шиқирлатиб ўрнидан турди, оқсоқланиб токча олдига борди (Ў.Ҳошим, 13). Ушбу мисоллардаги процессуалликни югуриб, оқсоқланиб равишлари ифодалаган бўлса, терминативлик ўтган замон шаклидаги феъл ҳамда олдига жўналиш келишикли кўмакчининг ўрин ҳол вазифасидаги конкретезатор таъсирида ҳосил бўлган. Ўтган замон шаклида бормоқ феъли фақатгина процессуалликни билдириб келиши ҳам мумкин. Бу ҳолда якуний пунктнинг йўқлиги, ҳамда давомийликни билдирадиган морфо-синтактик белгиларнинг мавжудлигида деб изоҳлашимиз мумкин. Масалан; (120) Обид ака олдинда, Абдулла билан Гулчеҳра орқада. Анчагача

¹ Мирсанов Ғ.Қ., СамДЧТИ, Инглиз тили тарихи ва грамматикаси, ф.ф.д. проф.

жим боришди (Ў.Умар. 20). Ушбу ҳолатда ҳаракатнинг йўналиши маълум, ammo якуний нуқтага етиб тугалланмаганлиги, яъни ҳаракат бош ва якуний манзил оралиғидалиги ифодаланган. Хусусан В.Г.Гузев туркий тиллардаги замон шаклларнинг аспектига кузатувчи томонидан қараладиган ҳаракатнинг оқими ва шу ҳаракатнинг амалга ошиши вақтида ички томондан кузатиладиган жараён ёки бир бутун факт сифатида намаён бўладиган маънолардир деб қарайди /Гузев, 1990: 69-82/. Автор давомий замонни ҳаракат оқимидаги ягона йўналиш нуқтасига эга, бир ориентацияли системадаги аспект семаси сифатида изоҳлайди. Демак “бормоқ” феъли давомли замонда бирор йўналишдаги процесснинг медиал фазасида бўлади. Масалан: (120) Шундай қилиб «Қора аммам»никига йўл олдик. Олдинда дадам чўлоқланиб бораяпти (Ў.Ҳошим. 16); (121) Поезд бир оҳангда тақ-туқ, тақ-туқ қилиб борарди (Ў.Умар. 66). Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики ПАВ грамматик давомийлик тус-замон таъсирида ҳосил бўлган.

Юлдашев «босқичи аниқланмаган ҳаракатнинг кучая боришини (нарастание действия без уточнения этапа) билдиради» деган мулоҳазани келтиради /Юлдашев, 1965: 79/. Д. М. Насилов югурмоқ, чопмоқ феълари бор кўмакчи феъли билан бирикиб аналитик шакл ҳосил қилади деган фикр билдиради. Д. М. Насиловнинг фикрича, бундай ҳолат «маълум макон, вақт йўналишида ҳаракатга кирган ва шу билан бирга давом этаётган ҳаракатни кўрсатади» /Насилов, 1978: 123/. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳаракатнинг бошланиши, давомийлиги ёки тугалланганлиги ушбу ҳолатларда ҳам тус-замон шаклларига боғлиқ. Масалан: (133) У бўш челакни даранглади чопиб бораркан, шудгорга ботганича тўхтаб ўгирилди (Ў.Ҳошим.312); (134) Югуриб борарканман, ҳамон билагимда дори халтача, бир кўлимда дафтар борлигини ҳис этиб турардим (Ў.Ҳошим. 275); (135) Ғуломжон югуриб бориб, Соли Совуқ қўлидаги қамчиға чанг солди (М.Исм.75); (136) Абдувалига эргашиб югуриб бордим (Ў.Ҳошим. 111). (137) Ўранган қиз ичкари эшиқдан ҳатлар-ҳатламас паранжини иргитди ва ўзининг болалик руҳи билан югуриб бориб, Зебини қучоқлади (Чўлпон.6). Келтирилган (133), (134) мисолларда ПАВ ифодаланган бўлиб, процессуаллик бор кўмакчи феълнинг давомли замонда қўлланилганлиги натижасида ҳосил бўлган, югуриб, чопиб равишлари ҳаракат усули билан бир вақтда процессуалликни ҳам билдириб келган. Қолган (135), (136), (137) мисоллардаги югуриб, чопиб равишлари ҳам субъект ҳаракати ва процессуалликни ифодалаб келган ва ПАВ+ТАВ модели ҳосил бўлган. Гаплардаги терминативлик бормоқ феълнинг чегараланган хусусияти ва ўтган тус-замон шакли қўшимчаси ҳамда сабаб эргаш гапли қўшма гапдаги феъл ҳаракатининг тугалланиши таъсирида ҳосил бўлган. А.Ҳожиев бу бирикув феъллари билдирган ҳаракатни «масофа бўйлаб бўладиган ҳаракат (юриш, учиб) “бор” феъли билдирган ҳаракатнинг бажарилиш усулини кўрсатувчи ҳаракатдир» деган изоҳни келтиради /Ҳожиев, 1966:72/. А.Ҳожиевнинг бу фикрига қўшилган ҳолда, шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, бор кўмакчи феъли ҳаракатнинг манзил нуқтасига интилиши ва жараённинг амалга ошишини ҳам кўрсатади. Аспектиал вазиятлар эса тус-замон шаклларига боғлиқ ҳолда ҳосил бўлади.

“Бормоқ” феъли ҳосил қиладиган АВлар контекст конкретизаторлари билан бир вақтда тус-замон шаклларига боғлиқ. “Бормоқ” феъли предикат вазифасида ўтган замон шаклида ТАВ ва П+ТАВни ифодаласа, давомли тус-замон шаклида эса бошқа ЮҲФлар сингари якуний манзилга интилган ПАВни англатади. “Бормоқ” феъли етакчи феъл вазифасида фақатгина чегараланган маъноли кўмакчи феъллар билан бирика олиши аниқланди. Бу бирикмалар томонидан ифодаланадиган АВлар бор кўмакчи феълнинг семантикаси билан боғлиқ бўлиб, бошқа чегараланган хусусиятли феъллар каби Б+ПАВ, ИАВ, ТАВ каби аспектиал вазиятларни ҳосил қилиши мумкин экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Гузев В.Г. *Очерки по теории тюркского словоизменения: Глагол. Л., 1990. 165 с.*
- [2]. Насилов Д.М. *Проблемы тюркской аспектологии: Акциональность. Л., 1989. 208 с.*
- [3]. Юлдашев А.А. *Аналитические формы глагола в тюркских языках. М., 1965. -275 с.*